3. Клиник шаклланган БА – бу биринчи бор астма ва астматик статус хуружларидан кейинги ҳолат.

II. БА нинг шакллари: (клиник ташхисда кўрсатилмайди).

1. Иммунологик шакли.

2. Ноиммунологик шакли.

III. БА нинг клиник – патогенетик шакллари:

1. Атопик – аллергенни кўрсатиш керак.

2. Инфекцияга қарам – инфекцион агент ва инфекцион жараённинг боришини кўрсатиш керак.

3. Аутоиммун.

4. Гормонал – эндокрин, ўзгарган органни ва дисгормонал ўзгаришларни кўрсатиш лозим.

5. Нерв-психик шакли.

6. Ифодаланган адренэргик дисбаланс.

7.Бронхлар реактивлигининг бирламчи ўзгарганлиги, иммун, асаб-эндокрин тизимлар иштирокисиз шаклланиб, тугма бўлиши мумкин, кимёвий, физик, механик ва инфекция агентлар таъсирида ривожланади.

8. Холинергик вариант

9. Аспиринли астма

10. Дизовариал шакли

IV.Оғирлигига кўра:

1.Енгил даражали – йилига хуружлар сони 2-3 марта такрорланиб, дориларни қабул қилиш туфайли ўтиб кетади, ремиссия даврида бронхоспазм йўқ.

2.Ўртача оғирликда – хуружлар сони йилига 3-4 марта бўлиб, оғирроқ кечади, хуруж дориларни инъекциялар орқали қабул қилганда ўтади, хуружлараро даврларда астматик ҳолат бирмунча ифодаланган бўлади. Ремиссия даврида жисмоний зўриқишдан сўнг ёки бажариш мобайнида бронхлар спазмининг енгил клиник белгилари кузатилиши мумкин.

3.Оғир даражали – хуружлар сони йилига 5 ва ундан кўп бўлиб, оғир кечади, бартараф қилиш кийинроқ бўлиб, астматик статус билан асоратланади. Хуружлараро даврда эса бронхларнинг спазми ифодаланган бўлади.

V.Кечишига кўра:

1.Кўзғалиш даври.

2.Кўзғалишнинг пасайиши.

3.Ремиссия.

VI.Асоратланишига кўра:

1.Ўпкага таллуқли: ўпка эмфиземаси, нафас етишмовчилиги, ателектаз пневмоторакс ва бошқалар.

2.Ўпкадан ташқари – миокард дистрофияси, ўпка – юраги, юрак етишмовчилиги ва бошқалар.

Бронхиал астманинг оғирлик даражаси бўйича таснифи.

Оғирлик даражаси	Даволашдан олдинги клиник белгилари
Енгил	Белгилар ҳафтада бир марта ёки кўпроқ, лекин бир кунда 1 мартадан камроқ, касалликнинг кўзғалиши фаолликни ва уйқуни бузиши мумкин. Астманинг тунги белгилари кўпинча бир ойда 2 марта кузатилади. НЧМХ (нафас чиқариш минутлик ҳажми ёки НЧХФ) нормадан 80% кўпроқ. НЧМХ тебраниши 20 – 30% атрофида бўлади.
Ўртача оғирликда	Белгилар кунига мавжуд. Касалликнинг кўзғалиши фаолликни ва уйқуни бузади. Астманинг тунги белгилари ҳафтада 1 мартадан ортик. Қисқа таъсир этувчи бетта 2 – агонистлар кунда қабул қилинади. НЧМХ (Кучли нафас чиқариш ҳажми ёки НЧХ1) нормадан 60% дан 80% гача. НЧМХ тебраниши 30% дан баланд.

Оғир даражали	Астма белгилари доимий, тез – тез кўзғалишлар, кўпинча тунги белгилар, физик фаоллик чекланган. НЧМХ (КНЧХ1) 60% дан кам НЧМХ тебраниши 30% дан ошган.
---------------	--

Астматик статус таснифи:

(Г. Б. Федосеев, 1984 й., 1988 й., А. Г. Чучалин, 1985 й., Т. А. Сорокина, 1987 й.)

I. Патогенетик вариантлари:

1. Секин ривожланувчи статус.
2. Анафилактик астматик статус.
3. Анафилактоидли астматик статус.

II. Босқичлари фарқланади.

ЎПКА – ЮРАГИ ТАСНИФИ.

Б. 6. Вотчал (1964) ўпка – юраги таснифини қуйидаги 4та асосий белгиларига, яъни:

1. кечишига кўра.
2. компенсация холатига кўра.
3. патогенезига кўра.
4. клиник кўринишлари хусусиятларига қараб таснифлашни таклиф этган, яъни:

Кечишига кўра	Компенсация холати	Патогенезига кўра	Клиник кўринишлари
Ўткир ўпка юраги (бир неча соат, кун).	Декомпенсацияланган.	Васкуляр, бронх, ўпка.	Ўпка артерияси массив тромбоэмболияси. Клапанли пневмоторакс, пневмомедиастинум. Бронхиал астма, чўзилган хуруж, астматик статус. Катта ўчоқли пневмония. Экссудатив плеврит.
Ним ўткир ўпка юраги (бир неча хафта ойлар).	Компенсацияланган. Декомпенсацияланган.	Васкуляр. Бронх ўпка. Торакодиофрагмал.	Ўпка артериясида қайта кичик ҳажмли тромбоэмболлар. Бронхиал астманинг чўзилган такрорланувчи хуружлари. Ўпканинг ўсмали лимфангити марказий ва периферик этиологияли (ботулизм, полиомиелит, миастения ва б.) Сурункали гиповентиляция.
Сурункали ўпка юраги (бир неча йил мобайнида ривожланади).	Компенсацияланган.	Васкуляр. Бронх ўпкали.	Бирламчи ўпка гипертензияси. Артеритлар. Такрор, кўзгалувчи эмболлар. Ўпка резекцияси. Бронхлар ва ўпкадаги обструктив жараёнлар турли этиологияли

		Торакодиофраг-мал.	(сурункали бронхит, бронхиал астма, ўпка эмфиземаси, диффуз пневмосклероз, эмфизема билан). Ресстриктив жараёнлар, фиброз, гранулематоз, ўпка поликистоз. Умуртқа поғонаси ва кўкрак қафаси жароҳатлари, деформация билан, плевра чандиқлари. Семириш. (Пиквик синдроми).
--	--	--------------------	--

Ўпка гипертензиясининг ривожланишга кўра, ўткир, ним ўткир ва сурункали ўпка юраги фарқланади. Ўткир ЎЮ да ўпка гипертензияси бир неча соат ёки кун мобайнида, ним ўткир ЎЮ да бир неча ҳафта ёки ойлар, Сурункали ЎЮ да эса бир неча йиллар мобайнида ривожланади.

Ўткир ЎЮ кўпроқ (90% га яқин) ўпка эмболияси ёки тўсатдан ички босими ошишида, нимўткир ўсмали лимфангит, торакодиафрагмал жароҳатларда кузатилади.

Сурункали ЎЮ эса 80% ҳолда бронх – ўпка зарарланишида (90% ўпканинг сурункали носпецифик касалликлари билан оғриган беморларда) 20% ҳолда эса васкуляр ва торакодиафрагмал зарарланишлар туфайли ривожланади.

Юрак аритмияларининг клиник таснифи:

1. Импульс хосил бўлишининг бузилиши:

Синусли тахикардия

Синусли брадикардия

Синусли аритмия

Ритм манбасининг кўчиши

Синус тугуни сустлиги синдроми

Экстрасистолиялар:

- суправентрикуляр ва қоринча экстрасистолияси
- гуруҳлашган, аллоритмик
- эрта, ўртада ва кеч пайдо бўлувчи пароксизмал тахикардия

Нопароксизмал тахикардия ва тезлашган эктопик ритмлар

Бўлмачалар титроғи

Бўлмачалар ҳилпиллаши (фибрилляция)

Қоринчалар титроғи ва ҳилпиллаши

2. Ўтказувчанликнинг бузилиши:

• Синоаурикуляр қамал:

-тўлиқ ва нотўлиқ

-ўтиб кетувчи ва турғун

• Бўлмачалар қамали:

-тўлиқ ва нотўлиқ

-ўтиб кетувчи ва турғун

• Атриовентрикуляр қамал:

-I, II, ва III-даражали

-проксимал ва дистал

- ўтиб кетувчи ва турғун
- Қоринчалар ичи қамаллари:
 - моно-, би- ва трифасцикуляр , ўчоқли, арборизациялашган
 - тўлиқ ва нотўлиқ
 - ўтиб кетувчи ва турғун
- Қоринчалар асистолияси
- 3. Комбинацияланган аритмиялар:
 - сирғалиб чиқувчи ритмлар:
 - бўлмачадан
 - атриовентрикуляр
 - қоринчадан
 - Реципрок (эхо) ритмлар:
 - реципрок экстрасистолиялар
 - реципрок тахикардия
 - Атриовентрикуляр диссоциациялар:
 - актив шакли
 - пассив шакли
 - Қоринчаларнинг эрта кўзғалиш синдроми:
 - Кент, Жеймс, Махейма типли
 - А, В, АВ ва бошқа типли
 - Парасистолиялар
 - парасистолик экстрасистолиялар, ритмнинг эрта кўзғалишлари, нопароксизмал ва пароксизмал тахикардия
 - бўлмачали, атриовентрикуляр, қоринчали ва биргаликдаги

ҚОРИНЧАЛАР ЭКСТРАСИСТОЛИЯСИ ТАСНИФИ (ЛАУН бўйича)

Синф	Қоринчали экстрасистолиялар
0	Йўқ
I	Бир соатда 30 тадан кам
II	Бир соатда 30 тадан кўп
III	Поли топ
IV А	Жуфтлашган
IV Б	Гуруҳлашган (қоринчали пароксизмал тахикардия ўтиш ҳолати)
V	Эрта, «R T типли»

ЮРАК ИШЕМИК КАСАЛЛИГИ (ЮИК) ТАСНИФИ.

(Ўзбекистон кардиологларининг IV съездидаги ўзгаришлари билан 2000 й.)

- 1.Тўсатдан юзага келган коронар ўлим. (юракнинг бирламчи тўхтаб қолиши.)
- 2.Стенокардия
 - 2.1.Стабил зўриқиш стенокардияси (функционал синф) кўрсатилади I,II,III,IV)
 - 2.2.Ностабил стенокардия:
 - бирламчи пайдо бўлган стенокардия
 - зўрайиб борувчи зўриқиш стенокардияси

- ангиоспастик стенокардия
- эрта юзага келган постинфарктли стенокардия
- оперциядан сўнгги стенокардия.
- 3.Миокарднинг оғриқсиз ишемияси
- 4.Миокард инфаркти:
 - Q тишчали
 - Q тишчасиз
- 5.Постинфарктли кардиосклероз
- 6.Юрак ритмининг бузилиши (тури кўрсатилади.)
- 7.Юрак етишмовчилиги (тури ва босқичлари кўрсатилади.)

Ўткир миокард инфарктида қон айланиш етишмовчилигининг Киллип бўйича 1967 й. таснифи (функционал синфлар).

- 1 синф. Ўпкада димланиш белгилари ёки шок белгилари йўқ.
- 2 синф. Ўпкада димланиш белгилари, III тон мавжуд.
- 3 синф. Ўпка шиши, чап қоринча қисқарувчанлигининг пасайиши, ўткир митрал етишмовчилик.
- 4 синф. Кардиоген шок.

АРТЕРИАЛ ГИПЕРТЕНЗИЯ КАСАЛЛИГИНИНГ БОСҚИЧЛАРИ БЎЙИЧА ТАСНИФИ.

(Ўзбекистон кардиологларининг IV сессиясида қабул қилинган).

АБ даражасининг БЖССҚ/МОТ (1999й.) бўйича таснифи.

Категориялар	Систолик	Диастолик
Оптималь	< 120	<80
Нормал	<130	<85
Баланд норма	130-139	85-89
I даражали гипертония	140-159	90-99
II даражали гипертония	160-179	100-99
III даражали гипертония	>180	>110
Чегараланган систолик	>140	<90

- I - Босқич. Нишон аъзоларнинг шикастланишини объектив кўринишлари бўлмайд.
- II - Босқич. Нишон аъзоларнинг шикастланишини пастда кўрсатилган бирор белгиси бўлади.
 - Юрак: чап қоринча гипертрофияси (ЭКГ, ЭхоКГ, рентгенография маълумотлари бўйича.)
 - Кўз тўр пардасида: томирларнинг умумий ёки локал торайиши.
 - Мия: миянинг қон билан таъминланиши етарли даражада, дастлабки белгиларининг кўриниши, гипертоник энцефалопатиянинг биринчи босқичи, мияда қон айланишининг ўткинчи бузилишининг камдан-кам кўриниши.
 - Буйрак: микроальбуминурия, сийдикда оқсил ёки креатинин концентрациясининг плазмада қисман кўпайиши (1,2-2,0 мг/дл).

- Томирлар: УТТ ёки ангиография (уйку артерияси, аорта, ёнбош ва сон артериялари) маълумотларига кўра, атеросклеротик ўзгаришлар (пилакчалар)нинг бузилиши.

III - Босқич. Нишон абзоларнинг шикастланишинида қуйидаги ўзгаришлар, кўринишлар:

- Юрак: стенокардия, миокард инфаркти, юрак етишмовчилиги.

- Мия: гипертоник энцефалопатиянинг II, III босқичлари, кўпинча бош миёда қон айланишининг ўткинчи бузилиши, инсультлар.

- Тўр парда: кўрув нервига қон қуйилиши ёки экссудатлар (шиш билан биргаликда ёки шишсиз), бу белгилар тез ривожланувчи ёки ёмон сифатли артериал гипертензияга хос.

- Буйрак: қон плазмасидаги креатинин >2,0 мг/дл. Буйрак етишмовчилиги.

- Томирлар: Аортанинг қаватларга ажралиши аневризмаси.

Эслатма:

Артериал гипертензияни БЖССҚТ (1996й.) таснифига кўшимча қилиш терапевтлар диққатини артериал гипертонияли беморлар миёсининг шикастланиш белгиларини дастлаб аниқлаб, ўз вақтида коррекция қилишликни уқтирди.

Агар АГ нинг III – босқичида беморда стенокардия аниқланса, стенокардия ташхиси тож (коронар) томирларнинг атеросклеротик шикастланиши инструментал текширув ёрдамида верификация қилинган тақдирдагина қуйилади, (коронаровентрикулография, ЭхоКГ, компьютер томография, велоэргометрия усуллари ёрдамида), агар ўзгариш топилмаса, беморга артериал гипертония II – босқичи қўйилади.

АГ НИНГ АСОСИЙ ЭТИОЛОГИК САБАБЛАРИГА НИСБАТАН ТАСНИФИ. (БЖССҚ 1996 й.)

А. Эссенциал гипертония.

Б. Иккиламчи Артериал гипертония.

1. Дорилар ёки экзоген моддалар.

Гормонал контроцептивлар.

Кортикостероидлар.

Симпатомиметиклар.

Эритропоедин.

2. Буйрак касалликлари.

Буйрак паренхимаси касалликлари:

Ўткир ва сурункали гломерулонефритлар.

Сурункали пиелонефритлар.

Буйрак поликистози.

Диабетик нефропатия.

Гидронефроз.

Буйрак травмаси (жарохатланиш).

Реноваскуляр АГ (мускул фиброзли дисплазия, ИАА буйрак артериялари, буйрак артериялари атеросклерози).

3. Эндокрин касалликлари:

Акромегалия.

Гипотериоз.

Гипертериоз.

Буйрак усти беши касалликлари:

А. Пўстлоқ қаватининг шикастланиши:

Бирламчи альдостеронизм (Конн синдроми).

Б. Мия қаватининг шикастланиши:

Феохромацитома ва хромофин хужайралари ўсмаси (буйрак усти безидан ташқарида жойлашган) ракли ўсма.

4. Аорта коарктацияси ва аортитлар.

5. Ҳомиладорлик асоратлари.

6. Неврологик касалликлар.

Бош мияда босимнинг ошиши (жароҳат ва бошқа сабабларга кўра).

Мия ўсмалари.

Энцефалитлар.

Уйқу вақтидаги апноэ.

7. Хирургик асоратлар.

8. Операциядан сўнгги гипертония.

Кардиомиопатиялар таснифи (БЖССТ 1995 й.)

1.Дилятацион.

2.Гипертрофик.

3.Рестриктив.

4.Специфик (метаболик, ишемик, яллиғланишли, клапанли, ва бошқалар).

Метаболик шакли ўз навбатида бўлинади: диабетик, алкоғолли ва бошқалар.

5.Ўнг қоринчанинг аритмоген дисплазияси.

6.Таснифи аниқ бўлмаган кардиомиопатия (фиброэластоз ва бошқалар)

Юрак етишмовчилиги таснифи (Нью-Йорклик кардиолоғлар уюшмаси таклиф этган, функционал синфлар NYHA 1956й)

1-ФС - чеклаш йўқ; одатдаги жисмоний зўриқиш, чарчаш, бўшашиш, ҳансираш ёки юрак ўйноғига олиб келмайди.

(Чап қоринча дисфункцияси белгиларсиз).

2-ФС - жисмоний фаоллик кам чекланади: пациентларда тинч ҳолатда патологик белгилар йўқ. Одатдаги жисмоний фаоллик чарчашга, юрак ўйноғига, ҳансираш ёки оғриқларга олиб келади.

3-ФС – жисмоний фаоллик сезиларли равишда чекланади, ҳатто кам даражали жисмоний фаоллик, клиник белгилар пайдо бўлишига олиб келади.

4-ФС – жисмоний фаоллик дискомфорт белгиларсиз ўтмайди, ЮЕ белгилари тинч ҳолатда ҳам пайдо булади.

ИНФЕКЦИОН ЭНДОКАРДИТ ТАСНИФИ.

Ҳозирги пайтда ИЭ нинг клиник шакллари, кечиши, активлик даражаси, касалликнинг патогенетик босқичи ва клиник – морфологик кўринишларига асосланган таснифи қўлланилади.

Клиник шакли.	Кечиши.	Активлик даражаси.	Патогенетик фаза.	Клиник – морфологик шакллари клиникаси.
А. Типик. Б. Атипик. 1. у ёки бу системанинг зарарланиши устунлигига кўра. 2. ифодаланмаган 3. яширин.	1. Ўткир (тез ривожланувчи). 2. Нимўткир. 3. Чўзилган. а) Хавфсиз оқибатли. б) хавfli оқибатли.	Минимал I. Кам ифодаланган. Максимал.	1. инфекцион токсик. 2. инфекцион аллергия- (иммун яллиғланиш). 3. Дистрофик.	Бирламчи (интакт клапанлар да) II. Иккиламчи А) ревматик жараён билан зарарланган клапанларда. Б) клапанлар ва қон томирларининг бошқа этиологияли зарарланиши.

ЮРАКНИНГ ОРТТИРИЛГАН НУҚСОНЛАРИ ТАСНИФИ (ЕРЕВАН, 1997 Й). МИТРАЛ КЛАПАН НУҚСОНЛАРИ:

1. Митрал клапан етишмовчилиги
2. Митрал стеноз
3. Митрал нуқсон, клапан етишмовчилиги устунлиги билан
4. Митрал нуқсон, стеноз устунлиги билан
5. Митрал нуқсон, у ёки бу нуқсон устунлигисиз

АОРТАЛ КЛАПАН НУҚСОНЛАРИ:

1. Аортал клапан етишмовчилиги
2. Аортал оғзи стенози
3. Аортал нуқсон, етишмовчилик устунлиги билан
4. Аортал нуқсон, стеноз устунлиги билан
5. Аортал нуқсон, у ёки бу нуқсон устунлигисиз

ТРИКУСПИДАЛ КЛАПАН НУҚСОНЛАРИ:

1. Трикуспидал клапан етишмовчилиги
2. Трикуспидал клапан стеноз
3. Трикуспидал нуқсон, етишмовчилик устунлиги билан
4. Трикуспидал нуқсон, стеноз устунлиги билан
5. Трикуспидал нуқсон, у ёки бу нуқсон устунлигисиз

ЎПКА АРТЕРИЯСИ КЛАПАНИ НУҚСОНЛАРИ:

1. Ўпка артерияси клапани етишмовчилиги
2. Ўпка артерияси клапани стенози

МИТРАЛ СТЕНОЗ ТАСНИФИ. (СОЛОВЬЕВ БЎЙИЧА).

Стеноз даражаси	<1,6см ²
Критик	1,7 – 2,2 ²

Ўртача
Қисман

2,3 – 3,0²
3,1 – 3,9²

НОСПЕЦИФИК ЯРАЛИ КОЛИТ ТАСНИФИ

(В.Д.Фёдоров, М.Х.Левитан - 1982 й., Г.А.Григорьев, 1996 й. бўйича).

I. Кечишига кура:

1. « Яшин » тезлигида.
2. Ўткир
3. Сурункали кайталанувчи
4. Сурункали узлуксиз

II. Оғирлик даражасига кўра:

1. Енгил даражали
2. Ўртача оғирликда
3. Оғир даражали

III. Тарқалишига кўра:

1. Тотал колит
2. Чап тарафлама колит
3. Дистал колит (проктосигмоидит, проктит)

IV. Активлик даражасига кура:

1. Минимал
2. Кам ифодаланган (максимал)

V. Асоратланиш характериға кўра:

1. Маҳаллий асоратлар
2. Умумий (тизимлар бўйича) асоратлар

Сурункали панкреатит таснифи (А. Л. Гребнев бўйича, 1982 йил)

I. Этиологиясига кура:

1. Бирламчи. 2. Иккиламчи.

II. Морфологик белгиларига кура:

1. Шишли шакли.
2. Склеротик-атрофик шакли.
3. Фиброзли шакли.
4. Псевдокистозли шакли.
5. Кальцификацияланувчи шакли.

III. Клиник кечишига кура:

1. Полисимптомли (кўп белгили).
2. Оғрикли.
3. Псевдоўсмасимон.
4. Диспептик.
5. Латент.

IV. Касалликнинг кечишига кўра:

1. Енгил даражали кечиши.
2. Ўрта оғирликда кечиши.
3. Оғир даражали кечиши.

Жигар циррозлари таснифи. (А.С. Логинов, Ю.Е.Блок, 1987 йил).

Этиология-сига кўра	Морфологик Шакли	Портал гипертензия	Жигар етишмовчил.	Активлик Даражаси	Кечишига Кўра
1.Вирусли	Макронодулляр	Компенсация	Компенсация	Кўзиш (актив), даражалари	Секин
2.Алкаголли	Микронодул	Декомпенсация бош.	Субкомпенсация	Ремиссия	Тез ривожланувчи
3.Аутоиммун	Аралаш	Декомпенсация ифод.	Декомпенсация		Стабилбарқарор
4.Токсик	Тўлиқ бўлмаган септал				
5.Генетик	Билиар				
6.Кардиал					
7.Холестаза туфайли					
8.Криптоген					

Жигар циррозининг оғирлик даражасини баҳолаш портал гипертензия ва жигар-хужайра етишмовчилигининг қай даражада ривожланишига асосланган. Бу мезон Чайлд-Пью индекси бўйича ҳам баҳоланади.

Жигар циррози оғирлик даражасининг Чайлд-Пью индекси бўйича баҳолаш мезони :

Баллар	Билирубин мг/л	Альбумин г/д/л	Протромбин индекси	Жигар энцефалопатияси босқичи	Асцит
1	2	3,5	1-4 (80-60)	Йўқ	Йўқ
2	2-3	2,8-3,5	4-6 (80-40)	I-II	Эпизотик
3	3	2,8	>6 (< 40)	III-IV	Оғир

Изоҳ:Кўрсаткичлар кўшилади, яъни,А синфи А-5-6 балл (беморлар 6-7 йил яшайди).

В синфи В-7-9 балл.

С синфи С->9 балл (2 ойгача яшайди).

СУРУНКАЛИ БУЙРАК ЕТИШМОВЧИЛИГИНИНГ ТАСНИФИ. (Н.А.Лопаткин, И.Н.Кучинский, 1971 й.)

I ЛАТЕНТ (ЯШИРИН) БОСҚИЧ.

Коптокчалар фильтрацияси (КФ) – 45 – 50 мл/мин

Қондаги мочевино – 8,8 ммол/л
Қондаги креатинин – 0.18 ммол/л

II. КОМПЕНСАЦИЯ БОСҚИЧИ

Коптокчалар филтрацияси (КФ) -30-40 мл/мин

Қондаги мочевино- 8.8-10.0 ммол/л

Қондаги креатинин -2-0.028 ммол/л

Енгил даражали полиурия.

III. ИНТЕРМИТТИРЛОВЧИ (ОРАЛИҚ) БОСҚИЧ

Коптокчалар филтрацияси (КФ)- 20-30 мл/мин

Қондаги мочевино -10.1-19 ммол/л

Қондаги креатинин – 0.3-0.6 ммол/л

Ифодаланган полиурия

IV. ТЕРМИНАЛ БОСҚИЧ.

Коптокчалар филтрацияси (КФ)- 15 МЛ/МИН ДАН ПАСТ

Азотемия ўсиб боради

Ацидоз. Қон айланиш етишмовчилиги

II- III босқичи. Олигоанурия

Анасарка. Ички аъзолар дистрофияси.

(Gell, R. Coombs, 1975) бўйича аллергия реакцияларнинг типлари:

Тип	Аллергия реакциянинг типии	Реакциянинг иммун механизми
I	Анафилактик	IgE ва кам ҳолда IgG антитела
II	Цитотоксик	IgG ва IgM антитела
III	Артюсфеномени-тўқималарнинг иммун бирикмалар билан зарарланиши	IgG ва IgM антитела
IV	Сезувчанликнинг аста-секин ривожланиши	Сенсибилизацияланган лимфоцитлар.

СИСТЕМАЛИ ҚИЗИЛ ЮГУРДАКНИНГ ТАСНИФИ:

1. Кечишига кўра; 2. патологик жараённинг активлигига кўра; 3. зарарланган орган ёки системалардаги клиник – морфологик ўзгаришларига кўра асосланган ишчи тасниф қабул қилинган.

1. Қасалликнинг ўткир, нимўткир ва сурункали кечиши фарқланади.

Ўткир кечиши: қасаллик тўсатдан бошланиб, беморлар хатто, кунини ҳам аниқ эслай олишади, қасаллик иситма, полиартрит, теридаги ўзгаришлар билан бошланади. Кейинги 3 – 6 ойлар ичида полисиндром кўринишлар ривожланади, яъни, люпус – нефрит, марказий асаб системасининг зарарланиши кўринишида.

Касаллик даволанилмаса, 1-2 йил ичида ўлим билан оқибатланиши мумкин, эрта аниқланиб, актив равишда кортикостероидларбилан даволанса, ремиссияга тўлиқ эришиш мумкин. Касалликнинг бу шакли асосан ўсмирлар, болалар ва ёшларда учрайди.

Ним ўткир кечиши: кўпроқ учрайди, умумий белгилар, артралгия, қайталанувчи артрит, теридаги носпецифик ўзгаришлар билан бошланиб, тўлқинсимон кечиш хос, касалликнинг тўлиқ шаклланган вақти 2-3 йил, баъзан, 3-4 йилдан кейин шаклланади.

Сурункали кечиш: касаллик узок вақт турли хил синдромлар: қайталанувчи полиартрит, полисерозит, дискоидсимон югурдак, Рейно, Верльгоф, Шегрен синдромлари шаклларида кечади, касалликнинг 5-10 йиллари бошқа органлар (буйрак ва ўпкалар) нинг зарарланиши жараёнга қўшилади.

полиартрит, полисерозит, дискоидсимон югурдак, Рейно, Верльгоф, Шегрен синдромлари шаклларида кечади, касалликнинг 5-10 йиллари бошқа органлар (буйрак ва ўпкалар) нинг зарарланиши жараёнга қўшилади.

2. Жараённинг **активлик даражаси** ва кўзғалишига кўра:

Актив кечиш (кўзғалиш даври)

Активлик даражаси: юқори (III), кам ифодаланган (II), минимал (I).

Ноактив давр (ремиссия) фарқланади.

3. Зарарланган орган ёки системалардаги клиник – морфологик ўзгаришлар характеристикасига кўра:

Тери: «капалак» белгиси, капилляритлар, экссудатив эритема, пурпура, дискоидли югурдак.

Бўғимлар: артралгия, ўткир, ним ўткир ва сурункали полиартрит;

Сероз қаватлар: полисерозит (плеврит, перикардит) экссудативли, куруқ, адгезив, перигепатит, периспленит;

Юрак: миокардит, эндокардит, митрал клапан етишмовчилиги;

Ўпкалар: ўткир, сурункали пневмонит, пневмосклероз;

Буйраклар: люпус-нефрит, нефротик ёки аралаш типли, сийдик синдроми;

Асаб тизими: менингоэнцефалит, радикулоневрит, полиневритлар фарқланади

СИСТЕМАЛИ СКЛЕРОДЕРМИЯ (СД) ТАСНИФИ.

(Гусева бўйича 1992 й.)

I. КЛИНИК КЕЧИШИГА КЎРА.

1. Диффуз склеродермия

2. Лимитланган СД ёки CREST синдром

3. Синдром ёки OVERLAP – биргаликда. ССД ДМ, РА, СКЮ билан биргаликда.

4. Асосан висцерал шакллари.

5. Ювенил СД, асосан бўғим зарарланади.

Контрактура ривожланиш синдроми.

II. КЕЧИШИГА КЎРА:

1. Ўткир

2. Нимўткир

3. Сурункали.

III. АКТИВЛИК ДАРАЖАСИГА КЎРА:

1. Минимак

2. Кам ифодаланган
3. Максимал.

IV. РИВОЖЛАНИШИ БОСҚИЧЛАРИГА КЎРА:

1. Бошланғич
2. Генераллашган
3. Терминал.

ТУГУНЛИ ПЕРИАРТЕРИИТ ТАСНИФИ. (Е.Н.Семенкова, 1988).

I. Клиник вариантлари:

1. Классик (буйрак-висцерал, буйрак-полиневритик).
2. Астматик.
3. Тери – тромбоангитик.
4. Моноорганли.

II. Кечишига кўра:

1. Хавфсиз
2. Секин авж олувчи.
3. Рецидивланувчи.
4. Тез авж олувчи.
5. Ўткир ёки “чақмоқсимон”.

III. Фазасига кўра:

1. Актив.
2. Ноактив.
3. Склеротик.

IV. Асоратлар:

Турли органларда инфаркт.

1. Геморрагиялар (аневризма ёрилиши).
2. Яра ёрилиши
3. Ичак гангренази.
4. Уремия.
5. Бош мия қон айланиши бузилиши.
6. Энцефаломиелит.

НОСПЕЦИФИК АОРТОАРТЕРИИТНИНГ 4 та анатомик типлари тафовут қилинади.

I тип: аорта ва ундан чиқувчи артериялар зарарланиши

II тип: қурак ёки қорин аортасини тармоқлар билан алоҳида зарарланиши.

III тип: аорта равоғи ва тармоқларининг қурак ёки қорин аортаси билан биргаликда зарарланиши.

IV тип: улка артерияси зарарланиши I, II ёки III вариантлари билан бирга қушилиб қелиши.

НАА НИНГ А.В.ПОКРОВСКИЙ БЎЙИЧА 10ТА КЛИНИК СИНДРОМЛАРИ.

1. Умумий яллиғланиш реакциялари.
2. Аорта ёйининг шохчаларини шикастланиши.
3. Коарктацияли синдром.
4. Вазоренал синдром.

5. Абдоминал ишемия.
6. Аорта бифуркациясининг шикастланиши.
7. Коронар синдром.
8. Аорта етишмовчилиги.
9. Аорта аневризмаси.
10. Ўпка артериясининг шикастланиши.

Бехтерев касаллигининг клиник шакллари:

1. Марказий формаси. Факат умурка ва думгаза ёнбош чигали зарарланади.
2. Ризомиелик формаси-умуртка погонаси елка бугимлари ва таз сон бугимлари зарарланади.
3. Периферик формаси. Оёк нинг пастки бугимлари зарарлагнади ва умуртка погонаси зарарланиши билан биргаликда кечади.
4. РА варанти-кул бугимлари зарарланади, эрталабки котиш руй беради, умуртка погонаси зарарланмайди.
5. Септик вариант. Ўткир иситма, кучли терлаш, артралгия, ориқлаш.

Подагрининг типлари:

I. Метаболик тип: (60% беморлар).

Юкори даражали уратурия 3,6 ммоль/суткада >, Сийдик кислотасининг нормал клиренси (6-7 мл/мин).

II. Буйракли тип: (10% беморлар).

Кам ифодаланган уратурия <1,8 ммоль/сут.). Сийдик кислотасининг клиренси пасайган (3-3,5 мл/мин)

III. Аралаш тип: (30% беморлар).

Нормал еки пасайган уратурия. Сийдик кислотасининг нормал клиренси.

Диагностик мезонлар:

Пневмонияларнинг диагностик мезонлари:

1. Касалликнинг бошланишидаги иситма мавжудлиги (харорат > 38° С).
 2. Балғамли йўтал мавжудлиги.
 3. Физикал ўзгаришлар (ўпка товушининг ўзгариши, дағал нафас, бронхиал нафас, везикуляр нафаснинг ўзгариши, крепитация ёки майда пуфакчали нам хириллашлар) мавжудлиги.
 4. Лейкоцитоз ($L > 10 \times 10^9$ г/л ва лейкоформуланинг чапга силжиши). Ташхис юкоридаги белгилардан камида иккитаси + рентгенда ўчоқли инфилтратив ўзгаришлар топилганда қўйилади.
- Рентгенологик ўпкада ўчоқли инфилтратларнинг йўқлиги ташхисни аниқ эмас, (етарли эмас) деб асосланади ва бунда ташхис эпидемиологик анамнез ва клиник белгилари мавжудлигига қараб қўйилади.

Бронхиал астманинг диагностик мезонлари:

1. Нафас чиқаришнинг қийинлиги билан кечувчи бўғилиш хуружи ва у ўпкада куруқ хуштаксимон хириллашлар (хатто бу хириллашлар масофадан ҳам эшитилади) билан кечиши;
2. Бронхиал астманинг хуружига эквивалент равишда тунда хуружсимон йўтал, у беморнинг уйқусини бузади, нафас чиқаришнинг қийинлиги ёки кўкрак қафасида сиқилиш ҳисси, ҳансираш ва хуштаксимон хириллашларнинг йилнинг маълум пайтида маълум бир антигенлар билан тўқнашилганда ёки физик зўриқишдан сўнг безовта қилиши;
3. Ташқи нафас функцияси кўрсаткичлари (НЧХ, Тиффно индекси, нафас чиқариш ҳажмининг максимал нуқтаси ва ҳ,) натижаларига кўра нафас етишмовчилигининг обструктив типини аниқлаш;
4. Ташқи нафас функцияси кўрсаткичларининг бронходилататорлар қабул қилгандан сўнг ошиши ва нафас чиқаришнинг енгиллашуви;
5. Ҳавода бронхиал астманинг биологик маркери- азот оксиди (NO) нинг кўплиги.

Бронхиал астманинг клиник вариантлари патогенетик шакллари нинг диагностик мезонлари :

БА нинг диагностикасида қуйидагилар муҳим роль ўйнайди

1. Тўлиқ йиғилган анамнез :

Бўғилиш хуружига нималар олиб келган ? :

- ноинфекцион аллергенлар (чанг, маиший, касбий, озиқ-овқат, дорилар аллергенлари билан тўқнашиш БА нинг атопик шакли ;

- нафас аъзоларининг инфекцион табиатли яллиғланиши касалликлари-инфекцияга қарам тури;

- гормонлар дозасини камайтириш бемор аҳволининг ёмонлашувига олиб келиши

- гормонал қарам шакли ;

-менструал цикл билан аҳволнинг ёмонлашувининг боғлиқлиги – дизовариал шакли

- оилада ва ишда турли кўнгилсизликлар, стресслар билан боғлиқлиги – нерв – психик шакли ;

-физик зўриқиш, совуқ ҳаводан нафас олиш билан боғлиқлиги ;

-аспирин ва бошқа НЯҚПларни қабул қилиш “ аспиринли астма ” га хос.

2. Ирсий мойилликнинг мавжудлиги.

3. Инструментал текширувлар : рентгенологик ва ТНФ, ЭКГамма ва бошқаларнинг натижалари.

4. Лаборатор текширувлар : умумий ва специфик иммуноглобулинни аниқлаш ; аллергенлар билан синамалар ўтказиш ; балғам, қон таҳлили ; аллергенлар билан синамалар ўтказиш ; 11 ОКС ва 17 ОКСНларни қон ва сийдикда аниқлаш ; замбуруғли антиген билан ўтказилган тери синамасининг мусбатлиги, иммунологик текширувлар (антителио титри ортиши), қон плазмасида (иммун комплекслар топилиши).

Инфекцион эндокардитнинг диагностик мезонлари.

1. Клиник белгилари:

А. Асосийлари:

– Иситма

- Регургитация шовкини
- Спленомегалия
- Васкулит

Б. Қўшимча белгилар:

- Гломерулонефрит
- Тромбоэмболиялар

2. Параклиник белгилар

- Эхо – КГ да тасдиқланиши
- Лаборатор кўрсаткичлар: мусбат гемокультура ёки анемия ва ЭЧТ ошиши

ИЭ диагностикасида DUKE – мезонлари.

Аниқ (тасдиқланган) ИЭ	
Морфологик мезонлари	
<ul style="list-style-type: none"> • Вегетациялар, вегетация эмболлари, юрак ичи абсцессларини гистологик текширганда микроорганизмларнинг аниқланиши. • Патологик шикастланиш: вегетациялар, юрак ичи абсцесслари гистологик тасдиқланган фаол эндокардит билан. 	
Клиник мезонлари	
Катта мезонлар	<ul style="list-style-type: none"> • ИЭнинг типик кўзгатувчиси 12 соат интервал билан олинган қон култураларидаги, икки хил муҳитдаги синамада мусбат бўлиши. • ИЭ нинг Эхо – КГ белгилари: юрак клапанлари ва клапан ости тузилмалари вегетацияси, протезланган клапанлар абсцесси ёки дисфункцияси, клапан регургитацияси белгиларининг пайдо бўлиши.
Кичик мезонлар	<ul style="list-style-type: none"> • Касалликдан аввал клапанларнинг шикасланган бўлиши ёки вена ичига наркотик юбориш; • 38°C дан юқори иситма; • Томир симптомлари: артериал эмболиялар, упка инфаркти, микотик аневризмалар, интракраниал қон куйилишлар, Лукин белгиси; • Иммунологик белгилар: гломерулонефрит, Ослер тугунчалари, Рота доғлари, ревматоид омил; • Катта мезонлар талабига жавоб бермайдиган мусбат гемокультура. • Катта мезонлар талабига жавоб бермайдиган Эхо – КГ белгилар
ИЭ бўлиши мумкин	
<ul style="list-style-type: none"> • Белгилар исботланган ИЭ дагидек тўлиқ эмас, лекин мезонсиз, деб касаллик инкор этилмайди. • Яшил стрептококк, <i>Str.bovis</i>, «НАСЕК» гуруҳи, <i>cardiobakterium hominus</i>, <i>Haemophilis</i>, <i>actinobacillis actinomycetemitanus</i>, <i>eikinella corrodens</i>, <i>kingella kingae</i> ёки бошқа тилла ранг стафилакоккларнинг касалхонадан ташкари штаммлари ва энтерококк йирингли ўчоқсиз. 	

Инкор этилган ИЭ

- Кўрилган белгилар бошқа касалликка хос ёки белгиларларнинг антибиотик қабул қилгандан кейин 4 кун ичида ўтиб кетиши.
- Патологоанатомик белгиларнинг антибиотикотерапиядан 4 кун ўтгач аниқланмаслиги

Эслатма: DUKE - мезонлари бўйича ИЭ ташхиси аниқ хисобланади:

- 2 та катта мезон бўлганда
- 1 та катта ва 3 та кичик мезон бўлганда

ЧАП ҚОРИНЧА ГИПЕРТРОФИЯСИНИНГ ЭЛЕКТРОКАРДИОГРАФИК МЕЗОНЛАРИ: (Р.М.ОКИН ВА Б. 1996Й).

Соколов – Лайон белгиси: $S_{V1-2} + R_{V5-6} > 35$ мм.

Корнель волтажи белгиси: эркакларда $R_{av1} + S_{V3} > 28$ мм.

Аёлларда $R_{av1} + S_{V3} > 20$ мм..

ЎНГ ҚОРИНЧА ГИПЕРТРОФИЯСИНИНГ ЭЛЕКТРОКАРДИОГРАФИК МЕЗОНЛАРИ:

$$R_{V1} > 7 \text{ мм}$$

$$R/S_{V1} > 1.$$

$$R_{V1} + S_{V5} > 10,5 \text{ мм}$$

$R_{V1} > 10$ мм Гисс тутами ўнг оёқчаси нотўлиқ қамалида

$R_{V1} > 15$ мм Гисс тутами ўнг оёқчаси тўлиқ қамалида

V1 – V2 (-T) Ўнг бўлмача зўриқишида

СИСТЕМАЛИ ҚИЗИЛ ЮГУРДАКНИНГ ҚАЙТА КЎРИЛГАН ДИАГНОСТИК МЕЗОНЛАРИ: (А Р А, 1982 й)

- 1.Юз ёноқларида тошмалар;
- 2.Дискоидсимон тошмалар;
- 3.Фотосенсибилизация;
- 4.Оғиз бўшлиғининг яралари;
- 5.Артрит;
- 6.Серозит;
- 7.Буйракка алоқадор ўзгаришлар (турғун протенурия 0,5 г дан ортиқ суткасига, ёки цилиндрурия, эритроцитурия бўлиши, эхтимоллиги);
- 8.Неврологик ўзгаришлар (калтирашлар, тутқаноқ ёки психозлар);
- 9.Гематологик ўзгаришлар (гемолитик анемия, ретикулоцитозли ёки лейкопения <4 мингдан кам, аммо, 2 мингдан кам эмас ёки тромбоцитопения; 100 мингдан кам эмас.)
10. Иммунологик ўзгаришлар: LE таначаларнинг мусбатлиги, ёки натив ДНК га нисбатан АТ титрининг ёки СмитАГ га нисбатан АТ титрининг ошиши ёки захмга нисбатан сохта мусбат реакция бўлиши;
11. Иммунофлюоросенция орқали АнАт титрининг ошиши.

4та мезоннинг мавжудлиги СКЮ ташхисига асос бўла олади.

СИСТЕМАЛИ СКЛЕРОДЕРМИЯНИНГ ДИАГНОСТИК МЕЗОНЛАРИ: (АРН.1980 й.)

“КАТТА МЕЗОНЛАР”: тана терисининг склеродермик зарарланиши (проксимал склеродермия)

“КИЧИК МЕЗОНЛАР”: склеродактилия, бармоқлар, чандиқлар симметрик базал пневмосклероз.

Ташхис битта “катта” ва иккита “кичик” мезонлар асосланиб қўйилди.

ДЕРМАТОМИОЗИТНИНГ ДИАГНОСТИК МЕЗОНЛАРИ:

А:АСОСИЙ:

1.Терига хос ўзгаришлар; тананинг очиқ қисмларида баъзида параорбитал шиш ва эритема;

2.Мушаклар зарарланиши (проксимал қисмларда);

3.Биопсияда мушакларда топиладиган патоморфологик ўзгаришлар (дегенерация) некроз, базофил, яллиғланиш инфильтрацияси, фиброз;

4.Зардобда ферментлар активлигининг ортиши: КФК, альдолаза, трансаминазаларнинг 50% ва ундан ортиқ бўлиши;

5.Электрмиографик текширувда ўзига хос ўзгаришлар.

Б.ҚЎШИМЧА:

1.Кальциноз;

2.Дисфагия.

Диагноз (ташхис) асосланади:

3 та асосий мезон ва тошмалар бўлганда, 2 та асосий + 2 та қўшимча мезонлар ва тошмалар бўлганда.

ТУГУНЧАЛИ ПЕРИАРТЕРИИТНИНГ ДИАГНОСТИК МЕЗОНЛАРИ : (Е.М. СЕМЕНКОВА 1988 Й.).

«Катта мезонлар»:

1. Буйрак зарарланиши;

2. Коронариит;

3. Абдоминал синдром;

4. Полиневри;

5. Бронхиал астма эозинофилия билан.

«Кичик мезонлар»:

1. Иситма;

2. Тана массасини камайиши;

3. Миалгик синдром.

Ташхис 3 та катта ва 2 та кичик мезонлар аниқланганда тасдиқланади.

НОСПЕЦИФИК АОРТОАРТЕРИИТНИНГ ДИАГНОСТИК МЕЗОНЛАРИ: (Arpnd ва бошқалар 1990 й)

1.Касалликнинг 40 ёшгача бошланиши;

2. “Ўрин алмашинуви чўлоқлик” синдроми (оёқ мушакларида ҳаракатланиш вақтида бўшашиш ва оғриқ.);
 3. Бир ёки икки томондаги елка артериясида пульснинг сусайиши;
 4. Елка артерияларида А/Б нинг 10мм сим.уст.га фарқ қилиши;
 5. Ўмров ости артерияларида ёки қорин аортасида шовқиннинг мавжудлиги;
 6. Ангиографиядаги ўзгаришлар: аортанинг торайиши ёки окклюзияси ва унинг қўл ва оёқларнинг проксимал қисми йирик шохчаларининг торайиши ёки окклюзияси. (атеросклероз ва фибромускуляр дисплазияга боғлиқ бўлмаган ҳолда).
- 3 та ва ундан кўп мезонлар мавжуд бўлганда НАА ташхиси қўйилади.

БАЪЗИ ВАСКУЛИТЛАРНИНГ ДИАГНОСТИК МЕЗОНЛАРИ:

Вегенер гранулёматозининг ташхис мезонлари.

1. Бурун ва оғиз бўшлиғи шиллиқ пардаси яллиғланиши натижасида яралар ва йирингли ёки қонли ажралмалар ажралиши;
2. Ўпка рентгенологик текширувида тугунлар, инфилтрат ёки бўшлиқлар аниқланиши;
3. Сийдик таҳлилида – микрогематурия;
4. Биопсия текширувида - артерия ёки периартериал соҳада грнuleматоз яллиғланиш хослиги

Рейтер касаллигининг диагностик мезонлари:

1. Сийдик-таносил ва ичак инфекциялари, артритлар билан хронологик боғлиқлик; (уретроокуло-синовиал синдром)
2. Ёшларда учраши;
3. Ўткир ассиметрик артрит (тизза, оёқ қафти бармоқлари, тендопатия ва товон бурситлари билан);
4. Сийдик-таносил органлари яллиғланиши белгилари. Эпителий суртмаларида хламидийларнинг (80-90%) топилиши. Артрит агар қон зардобиде хламидийли антителолар титри 1:32 ва ундан ортиқ бўлса, хламидийли дейлади.

БЕХТЕРЕВ КАСАЛЛИГИНИНГ ДИАГНОСТИК МЕЗОНЛАРИ:

(Нью-Йорк 1984 й.)

1. Анамнезида бел соҳасида яллиғланиш жараёни бўлиши,
2. 40 ёшдан кичик бўлиши ва оғриқларнинг 3ой давом этиши, тинч ҳолатда оғриқ кучайиши ва физик зўриқишда ўтиб кетиши;
3. Умуртқа поғонасининг бел соҳасида ҳаракатнинг чекланиши;
4. Кўкрак қафасида ҳаракатнинг чекланиши (нафас олишда ва чиқариш масофаси фарқи 2,5см дан кам бўлиши.).

Рентгенологик мезонлар:

Икки томонлама сакроилит I-IV даражали.

Бир томонлама сакроилит II-IV даражали.

Ташхис бир ёки иккита рентгенологик белги топилганда, ҳақиқий ҳисобланади.

Подагрининг диагностик мезонлари:

(Рим 1963 йил)

1. Қонда сийдик кислотасининг эркакларда 0,42 ммоль/л дан >, аёлларда 0,36 ммоль/л дан > бўлиши;
 2. Тофуслар мавжудлиги;
 3. Сийдик кислотаси кристалларининг синовиал суюқликда бўлиши ва тўқималарга ўтириб қолиши;
 4. Зарарланган бўғимлар тўғрисида аниқ анамнестик маълумотлар бўлиши.
- Ташхис 2 та мезон мусбат бўлганда асосланади.

Подагранинг диагностик мезонлари:

Америкалик ревматологлар ассоциацияси - уюшмаси (АРА буйича)

- I. Урат кристаллари бўғим суюқлигида мавжудлиги;
- II. Тофуслар мавжудлиги;
- III. Қуйидаги 12 та белгидан 6 таси мавжуд бўлганда:
 1. Анамнезида бир мартадан кўп ўткир артрит хуружи бўлганлиги;
 2. 1-суткадаёқ бўғимларнинг кўп ифодаланган яллиғланиши;
 3. Артритнинг моноартикуляр характерлиги;
 4. Ифодаланган бўғим усти териси гиперемияси;
 5. I плюснефаланг бўғими шиши ёки оғриши;
 6. Оёқ кафти бўғимларининг бир томонлама зарарланиши;
 7. Тофусларни эслатувчи тугунлар;
 8. Гиперурикемия;
 9. I-плюснефаланг бўғимининг бир томонлама зарарланиши;
 10. Зарарланган бўғимлар ассиметрик шиши;
 11. Рентгенда эрозиясиз субкортикал кисталар мавжудлиги;
 12. Бўғим суюқлигида флоранинг йўқлиги.

V ДОРИ ПРЕПАРАТЛАРИ ;

(таснифлари, қарши кўрсатма, ножўя таъсирлари).

Дорилар келтирадиган хавфдан эҳтиёт бўл, сақлан.»

Абу Али ибн Сино.

РЕЦЕПТУРА

КАРДИОЛОГИЯ.

ГИПОТЕНЗИВ ПРЕПАРАТЛАРНИНГ ТАСНИФИ:

Препаратлар гуруҳлари:

I. Диуретиклар: гипотиазид, индопамид (арифон, индоп).

II. Бетта-адреноблокаторлар:

пропраналол, атенолол, метопролол.

III. Кальций антагонистлари:

Дигидропридинлар: нифедипин, амлодипин (норваск).

Бензодиазепинлар: дилтиазем.

Фенилалкиламинлар: верапамил.

IV. Ангиотензин ўзгартирувчи фермент ингибиторлари (АЎФ) таснифи:

1-синф- липофил дорилар: каптоприл (капотен), алацеприл, альтиоприл, фентиаприл

2-синф- липофил продорилар:

2а-синф препаратлари, актив метоболитлари буйрак оркали ажралади: беназеприл (лотензин), квинаприл (акупро), периндоприл (престариум), цилазаприл (инхибейс), эналаприл (ренитек).

2в-синф препаратлари, актив метаболитлари 2 асосий йул билан элиминацияланади: моэксиприл (моэкс), рамиприл (тритане), спираприл (ренипресс), трандолаприл (гоптен), фозиноприл (моноприл).

3-синф- гидрофил дорилар: лизиноприл (зестрил), церонаприл

V. Ангиотензин I типидagi рецепторларнинг блокаторлари:

лозартан (козаар, ирбесартан, апровель), вольсартан (диован).

VI. Альфа-адреноблокаторлар: празозин, теразозин, доксазозин.

β – адреноблокаторлар. Бетта-адреноблокаторлар таснифи:

I. Носелектив:

I.1. Ички симпатомиметик фаол булмаган: пропранолол, надолол, соталол.

I.2. Ички симпатомиметик фаол: пиндолол, тразикор, карведилол, лабетолол.

I.3. Вазодилататор фаол: карведилол, лабеталол.

II. Селектив:

II.1. Ички симпатомиметик фаол булмаган: атенолол, бисопролол, нетопролол.

II.2. Ички симпатомиметик фаол: ацебутол.

II.3. Вазодилататор фаол: небивалол.

Мутлақ қарши кўрсатмалар:

1. Бронхиал астма ва оғир кечувчи обструктив нафас етишмовчилиги.
2. Синус тугуни сусайиш синдроми.
3. Атриовентрикуляр қамал II, III даражали.
4. Брадикардии (50 тадан кам)
5. Артериал гипотензия (АД 100 мм. сим.уст. ва ундан паст)

Нисбий қарши кўрсатмалар:

1. Ўтиб кетувчи чўлоқлик синдроми.
2. Инсулинга қарам қандли диабет
3. Ошқозон ва 12 бармоқли ичак яра касаллиги.

Ножўя таъсирлари:

- Бронхоспазм;
- Синусли брадикардия;
- Юрак етишмовчилиги;
- Юрак қамаллари;
- Оёқларнинг увишиши;
- Бош айланиши;
- Уйқунинг бузилиши;

- Ошқозон-ичак тракти моторикасининг кучайиши;
- Жинсий дисфункция;
- Гипогликемия, гипергликемия;
- Дислипидемия, гиперурикемия;
- Олиб ташлаш синдроми: тахикардия, аритмия, АБнинг ошиши, стенокардия хуружининг кўзиши ва ҳатто тўсатдан ўлимнинг юзага келиши.

Propranolol (Anaprilin, Obsidan) таб. 0.01; 0.04

Рр.: Tab. Anaprilini 0.04

D.t.d. №50

S. Кунига 1 таблеткадан 3 маҳал

Nadolol (Corgard) таб. 0.02; 0.04; 0.08; 0.12; 0.16;

Рр.: Tab. Corgardi 0.04

D.t.d. №50

S. Дастлаб кунига 1 таб. сўнгра ҳар 3-7 кунда 1 таб. дан 6-8 тагача ошириб бориш суткасига 1-2 маҳал қабул қилиш

Sotalolum (Sotalex) таб. 0.04

Рр.: Tab. Sotaloli 0.04

D.t.d. №50

S. Кунига 2 таб. 1 маҳал

Oxprenolol (Trasicor) таб. 0.02

Рр.: Tab. Trasicori 0.02

D.t.d. №50

S. Кунига 1 таб. . 3 маҳал қабул қилиш ҳар 3-5 кунда 1 таб ошириб. 4 таб.гача 3-4 маҳал қабул қилиш

Atenolol (Tenormin) таб. 0.05; 0.1

Рр.: Tab. Atenoloti 0.05

D.t.d. №50

S. Кунига 1 таб. . 1 маҳал, сўнгра 4 таб.гача ошириб бориш

Metoprolol (Betaloc; Vasocardin, Corvitol, Spesicor) таб. 0.05; 0.1

Рр.: Tab. Metoprololi 0.05

D.t.d. №50

S. Кунига 1 таб. . 3 маҳал қабул қилиш ҳар 3-5 кунда 1 таб ошириб. 4 таб.гача 2-3 маҳал қабул қилиш

Bisoprolol (Concor) таб. 0.0025

Рр.: Tab. Bisoprololi 0.0025

D.t.d. №50

S. Кунига 1 таб. . 1-2 маҳал қабул қилиш, ҳар 3 кунда 1 тадан ошириб бориш, 4-8 тагача 1-2 марта қабул қилиш

Carvedilol (Dilatrend) таб. 0.0125; 0.025

Rp.: Tab. Carvedilol 0.025

D.t.d. № 20

S. Кунига 1/2 таб. 2 маҳал қабул қилиш.

Nebivolol (Nebilet) таб. 0.005

Rp.: Tab. Nebivololi 0.005

D.t.d. №20

S. Кунига 1 таб. 1 маҳал

АБ ва ЮҚС назоратида.

α – адреноблокаторлар;

Селективлигига кўра таснифи:

1. Селектив (празозин, доксазозин).
2. Носелектив (фентоламин, пропарен).

Таъсир этиш вақтига кўра:

1. Қисқа таъсир этувчи (празозин).
2. Узоқ таъсир этувчи (доксазозин).

Қарши кўрсатмалар:

1. Артериал гипотензия.
2. Ортостатик гипотензия.
3. Юрак етишмовчилиги.

Ножўя таъсирлари:

Бош айланиши, юрак ўйноғи, шиш, ортостатик артериал гипотония

Prazosin (Minipress) таб. 0.001; 0.002; 0.005

Rp.: Tab. Bisoprololi 0.001

D.t.d. №50

S. Кунига 1/2 таб. 2 маҳал сўнгга 4-6 таб. 2-3 марта қабул қилиш

Doxazosin (Cardura, Kamiren, Tonocardin). таб. 0.001; 0.002; 0.004, 0.008.

Rp.: Tab. Bisoprololi 0.001

D.t.d. №50

S. Кунига 1/2 таб 2 маҳал, сўнгга доза оширилади

Bellaspon драже №30

Rp.: Dr. Bellasponi № 30

D.S. Кунига 1 драже 3 маҳал қабул қилиш, овқатдан сўнг,
6 дражегача ошириб 3 маҳал қабул қилиш

Bellataminali № 50

Rp.: Tab. Bellasponi № 30

D.S. Кунига 1 таб. . 2-3 маҳал қабул қилиш, овқатдан сўнг.

Ca²⁺ канали блокаторлари.

Кальций антагонистлари таснифи

Гуруҳлар	I авлод	II авлод		III авлод
		II а	II б	
Дигидроперидинлар	Нифедипин	Адалат СЛ	Исрадипин	Амлодипин
Бензодиазепинлар	Дилтиазем	Дилтиазем SR	Клентиазем	
Фенилалкиламинлар	Верапамил	Изоптин SR	Анипамид	

Ножўя таъсирлари:

- Вазодилатация, бош оғриғи, юз терисининг қизариши, юрак ўйноғи, периферик шишлар (нифедипин) билан характерланади;
- Манфий инотроп таъсир, юрак етишмовчилигинг кучайиши;
- АВ ўтказувчанликнинг бузилиши (верапамил, дилтиазем);
- Диспептик бузилишлар: кўнгил айниш, ич қотиш, диарея;
- Метаболик бузилишлар.

Қарши кўрсатмалар:

- АВ қамал II – III даражали (верапамил), юрак етишмовчилиги.

Verapamil (Isoptin, Finoptin). таб. 0.04; 0.08, 0.012; 0.024, амп. 2мл – 0.25%

Рр.: Tab. Verapamili 0.04

D.t.d. №50

S. Кунига 2 таб. суткасига 3 марта.

Nifedipin (Adalat, Corinfar). таб. 0.005; 0.01. капс. 0.01; 0.02.

Рр.: Tab. Corinfari 0.01

D.t.d. №50

S. Кунига 1 таб. 3 маҳал қабул қилиш.

Diltem (Diltiazem, Cardil). таб. 0.06; 0.09; 0.12; 0.18.

Рр.: Tab. Dilzemi 0.06

D.t.d. №100

S. Кунига 1 таб. 3 маҳал қабул қилиш.

Cinnarizin (Stugeronum). таб. 0.025; 0.075.

